



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 11-iyun. Seshanba • 70 (31.660)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Хонқалик Сабоҳат Рўзметова «Ёш сиёсатчи-2013» кўриктанловининг Хоразм вилоят босқичида туманда иссиқхоналар ташкил этиш, сабзавотни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш орқали электрор вакилларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаси билан иштирок этди...

Сабоҳат ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳага жуда қизиқади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида партия фаолига айланиш, келажақда депутат бўлиб, юрт равнақига ҳисса қўшишни истайди. Ана шу истак ва интилиш туфайли у кўриктанловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлди. **2-бет**

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»



«ТАНЛОВ ШАРТЛАРИНИ БАЖАРИШ ДАВОМИДА

Ўзимни сиёсатчи, депутат сифатида тасаввур этдим»

Фракция сиёсий партиянинг Сайловолди дастурини амалга ошириш, гоёларини қонунларда акс эттиришда асосий кучдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг фракцияларига электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш борасида қўшимча имконият ҳамда кафолатлар яратди.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАРАО РАҚОБАТ

мукамал қонунлар яратилишига хизмат қилмоқда

Бугун мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партиянинг парламентдаги фракцияси ўз фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Фракциялар қонун ижодкорлиги жараёнида амалий иштирок этишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлангани сиёсий партиялар гоёларини рўёбга чиқариш имкониятини жиддий равишда кенгайтирди.

Мазкур жараёнда фракциялар фаолиятининг кескин ошиши, улар ўртасида рақобат кучайишига шароит яратилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгартишларнинг самарадорлиги тўғрисида Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улугбек ВАФОЕВнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Ҳар қандай қонуннинг мукамаллигини белгилайдиган омиллардан энг муҳими, аввало, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоясини бирдек акс эттириши, шунингдек, турли ижтимоий қатламлар манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қилишидир, — дейди у. — Қабул қилинаёт-

ган қонунлар мукамал бўлиши учун сиёсий партиялар ўртасидаги гоёлар кураши жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши, фракциялар фаолияти тўғрисида тўғри партияларнинг дастурий мақсадлари рўёбга қаратилиши, бир сўз билан айтганда, ҳар бир фракция ўзига хос ёндашув, позицияга эга бўлиши керак.

Шунинг учун мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган парламент ислохотларида бу масалалар ўзига хос ўрин тутмоқда.

Тажриба кўрсатмоқдаки, ўз электорати билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, эркин муносабат билдиришга асосланган мулоқот муҳитини ярата олган сиёсий партиягина том маънода сиёсий кучга айланади. Чунки электорат манфаати ҳимоясига қаратилган ҳаётий фикр-мулоҳазаларга асосланган депутатлик корпуси муайян масала бўйича аниқ позицияга эга бўлади, уни қатъий ҳимоя қилади. **⇒ 2**

ЎзХДП фракцияси муносабати

7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида иккинчи ўқишда иккита қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАЛАРИДА

партия дастурий мақсадлари рўёби алоҳида эътиборда бўлди

Муҳокама қилинган қонун лойиҳалари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғ-

ОБУНА — 2013

Йилнинг биринчи ярмида бизга ҳамроҳ ва ҳамфикр бўлган обуначиларимизга, барча газетхонларга эслатмоқчимиз:

ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Нашр кўрсаткичи — 220

»»» 2-бет

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида илм-фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат соҳаларига улкан эътибор қаратилиб, хусусан, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндларининг хотирасини эъзозлаш, қутлуғ меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатиш тўғрисида»ги қарори асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида яна бир муаззам бадиий обиданинг бунёд этилиши ана шу эзуларнинг мантқиқий давомир.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида яратилган ушбу ҳайкал тимсолида собиқ мустақил тузум давридаги қийинчилик ва машаққатлар, ҳижрон ва айрилиқ азобларига қарамасдан, вафо ва садоқат на-

мунасини кўрсатиб, огир синовларда тобланган, гўзал бадиий асарлари

орқали халқимизга хос инсонийлик, сабр-бардош ва меҳр-оқибат фазилатларига ўз шахсий ҳаётларида амал қилиб, бу туйгуларни бетақдор асарларида юксак пардаларда тараннум этиб яшган икки улғун ижодкорнинг ёрқин сиймоси таъсирчан бадиий-эстетик воситалар орқали ифода этилган. **»»» 2-бет**



ЭНГ АСОСИЙ ҒАЛАБА

— УНИВЕРСИАДАДА ҚАТНАШИШНИНГ ЎЗИ, ҚАДИМ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БУХОРО ЗАМИНИДАГИ ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРНИНГ ШИРИН ХОТИРАЛАРИ, ОРТТИРИЛГАН ЯНГИ ДЎСТЛАР, ЯНГИ ОРЗУЛАР...

Уч кун давомида мамлакатимиз спорт муҳлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини ўзига тортган Универсиада ўйинлари чинакам спорт байрамга айланиб кетди.



Юртимизда олтинчи бор ташкил этилган бу «кичик олимпиада»ни юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этил-

гани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, «Универсиада — 2013» мусобақалари финал босқичига тайёргарлик кўриш учун қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлашти-

риш ишлари амалга оширилди. Бу эса ҳар уч йилда ўтказиладиган талаба-ёшларимизнинг спорт байрамга давлатимиз ҳамда жамиятимиз томонидан нечоғли улкан эътибор ва аҳамият берилётганининг исботидир. **4-бет**



Ўзбекистонда кўёшдан келаётган йиллик энергия миқдори қазиб олинаётган нефтга нисбатан ўн минг марта каттадир **3**



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНСА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мuddатидан олдин жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритади **4**



270 минг 350 нафардан ортиқ бола дам олади **4**

Долзарб мавзу

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

ривожда география фанининг ўрни

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбалари янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги bosqichga кўтаришни тақозо этмоқда.

География фани муқобил энергиянинг ҳудудий тарқалиши, вақт давомида тақорланиши, энергия қуввати, уларни табиий-географик ва иқтисодий географик шароитларга кўра оптимал жойлаштириш масалаларини ўрганади.



Хозирги пайтда дунёнинг кўп қисмида табиий захиралар ҳамда ички имкониятлардан фойдаланиб электр энергия ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини ривожлантиришга ҳаракат қилаяпти.

Республикамиз куёш энергияси ресурсларига бой ҳудуд ҳисобланади.

Юртимизда йил давомида куёшли қунлар 290-310 кунни ташкил этади. Ушбу энергиянинг ялпи потенциали 50 миллиард 973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг.

Таққослаш учун шуни айтиш мумкин, Ўзбекистонда куёшдан келадиган йиллик энергия миқдори қазиб олинаётган нефтьга нисбатан ўн минг марта каттадир. Бизда ушбу энергия имкониятларидан ҳозирга қадар тўлиқ фойдаланилмапти.

Мамлакатимизда фойдаланиш мумкин бўлган муқобил энергия манбаларидан яна бири шамол энергияси ҳисобланади. Ўзбекистонда ер юзасига яқин, яъни 10 метр баландликкача атмосферада шамол энергиясининг техник потенциали анча юқори. Бунда шамол узлуксиз эсидиган оқик текисликлар, ҳаво оқими тезлашиб ўтадиган тоғлар оралиқлари, ботиқлар, маҳаллий оқимлар туфайли ҳосил бўладиган шамоллар ҳисобга олинмаган.

Агар шамол ресурслари аниқ ва тўлиқ ўрганилса, унинг қуввати 20-30 млрд кВт дан ошади. Масалан, Бекобод шамолининг кучи 6-12 м/с.га етади. Ўзбекистонда шамол ресурсларидан унумли фойдаланилса, электр энергияга бўлган эҳтиёжнинг ярмини шамол

учун шахар ва қишлоқларда хомашё манбаи катта. Ривожланган мамлакатларда чорвачилик фермаларида, шахар чикиндиҳоналарида, иссиқхоналар ёнида турли катталиқдаги биогаз қурилмалари йил давомида ишлаб туради. Хитой давлатида 12 миллиондан

олингач, қолган чикиндилар ўғитга айланади.

Қишлоқларда кичик биогаз қурилмаларининг ўрнатилиши аҳолига катта қулайлик яратишидан ташқари, экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазада беқим аҳамиятга эга. Гап шундаки, чикиндиҳоналар атроф-муҳитни зарарлайдиган органик чикиндилардан тозаланади.

Хозир шахарлар, шахарчалар, йирик қишлоқлардаги чикиндиҳоналарнинг кўпчилиги стандарт қоидага мос ҳолда қурилмаган. Чикиндилар, айниқса, суюқ чикиндилар ташланадиган жойлар таги бетонлаштирилмаган. Шу сабабли чикиндилар ер тагига сингиб тупроқ сувларини ифлослайди, ёқиб юборилган чикиндилар эса бир неча километр радиусда ҳавони зарарлайди.

Мамлакатимизда экологик тоза муқобил энергия турларидан фойдаланиш янги энергетика тармоғининг ривожланишига асос бўлади. Бу тармоқнинг ривожланиши туфайли юз минглаб кишилар иш билан таъминланади. Тоғли, чўл ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг электр энергия таъминоти яхшиланади. Чўл ҳудудларида куёш ва шамол энергиялари орқали ер ости сувларини наҳас ёрдамида чиқариш ва томчиллаб сугориш технологияларидан фойдаланиш ҳисобига катта майдонларда сугорма деҳқончиликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, муқобил энергия манбалари яйлов ресурсларидан бир текис фойдаланиш имконини ҳам беради. Бундан ташқари, тоғ боғдорчилиги, асаларичилик янада тараққий этишига йўл очади.

ортиқ биогаз қурилмалари бор.

Биогаз ишлаб чиқарадиган бир ёки бир неча оилага мўлжалланган кичик ҳажмдаги қурилмалар қишлоқ аҳолиси учун жуда керак. Қишлоқларда ҳар бир оилада уй хайвонлари боқилади. Ана шу чорва моллари чикиндилари биогаз ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланади.

Қорамол чикиндиси ҳисобига бир суткада олинладиган биогаз қарийб 10 кг ўтин ёки 5 кг қўмир эквивалентига тенг. Чорва моллари чикиндилари махсус қурилмаларда 8-15 кун ичида парчаланаяди ва асосини метангази ташкил қилувчи биогаз ҳосил бўлади. Биогаз

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети табиий фанлар факультети, география бўлими, гидрометеорология ва ландшафтшунослик кафедрасининг профессор-ўқитувчилари Самарқанд вилоятининг шамол ресурсларини ўрганиш ишларини бошлаб юборишди. Бу тадқиқот ишларига ўқитувчилардан ташқари магистрантлар ва талабалар ҳам жалб қилинган.

Субҳон АББОСОВ, география фанлари доктори, профессор, Орзмурод РАҲМАТУЛЛАЕВ, география фанлари номзоди, доцент.

Реклама ўрнида



МИЛЛИЙ БАНК КРЕДИТИ ЭВАЗИГА

ишлаб чиқариш модернизация қилинди, 100 та янги иш ўрни яратилди

Ўзбекистоннинг озик-овқат саноати ҳозирги кунда ривожланишининг янги bosqichiga чиқмоқда. Юртимизда илгўр халқаро тажриба асосида ёғ-мой, гўшт, сўт ва бошқа озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини кенг кўламда модернизациялаш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, юқори самарали, замонавий, инновацион технологияларни жорий этиши ишлари жадал олиб борилмоқда.

2012-2015 йилларда озик-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланиб, унда тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Ушбу ҳужжат доирасида мамлакатимизда 2015 йилга бориб озик-овқат маҳсулотларининг асосий турлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш режалаштирилган.

Шунингдек, ускуна сарфланадиган электр энергиясини анча тежаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини, ходимларнинг жисмоний меҳнатидан фойдаланиши анча камайтириди. Сотиб олинган автоматик қадоклагич шу ишни бажарувчи аёллар меҳнатини енгиллаштириб, корхонамизда санитария-техника нормаларини юқори даражага кўтариш имкониятини яратди.

Бизнинг «Makiz Baraka» масъулияти чекланган жамияти фаолияти мақорон ва чучвара маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Буларнинг барчаси корхонани тўхтовсиз ривожлантиришда ва «MAKIZ», «BUON», «GUSTO», «GOLD MAG», «PRONTO» каби мақорон маҳсулотларимиз истеъмолчиларини республикамиздагина эмас, хорижда ҳам тобора кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Энг муҳими, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши туфайли корхонада 100та янги иш ўрни яратди.

Ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш, хориждан янги ускуналар сотиб олиш мақсадида Миллий банк Яққасарой филиалига мурожаат қилган эдик. Банк томонидан бизга 170 000 АҚШ доллари миқдориде кредит ажратилди. Бунда лойиҳанинг умумий қиймати 200 000 АҚШ долларини ташкил этди.

Хозирги вақтда «SUPREME FOOD-SERVICE GmbH» компанияси билан экспорт бўйича шартнома тузганимиз. Бу мақорон маҳсулотларини бевосита чет элга сотиш ва натижада мамлакатимизга кириб келаётган валюта тушуми хажминини кўпайтириш имконини беради.

Хитойдан келтирилган автоматлаштирилган линиялар соатида 80-1500 килограмм вермишель, лагмон, ракушкалар, рождоқлар ҳамда бошқа мақорон маҳсулотларини бугдойнинг юмшоқ ва қаттиқ навларидан олинган ундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Бахтиёр АБДУВАХОБОВ, «Makiz Baraka» МЧЖ директори.

Миллий матбуот марказида

ЗАМОНАВИЙ РАВОН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ

обод турмушимизнинг муҳим воситасидир

«Ўзвотўй» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Мамлакатимиз автомобиль йўлларининг бугунги аҳоли ва уларни ривожлантириш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда компания бошқаруви раисининг ўринбосари Шухрат Назаров Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфра-тузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида мақсадли дастурлар изчиллик билан ҳаётга жорий қилинаётганини таъкидлади. Шунингдек, 2013 йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, Қамчиқ довоини 71 километрлик автомобиль йўли участкасида реконструкция ишларини якунига етказиш, шу билан бирга, қатор кўприк ва йўл ўтказгичларини барпо этиш режалаштирилаётгани ҳамда тегишли вазирилик, идоралар ва жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш бўйича тегишли инфратузилмани ривожлантиришга доир амалий чоралар кўрилаётганини таъкидлади.

Жумладан, 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида компания таркибидеги корхона-ташкилотлар томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар Ўзбек Миллий автомагистрал таркибига кирувчи 59 километрдан ортиқ автомобиль йўли 4 тасмалли қилиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Булар жумласига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи, «Фузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу» халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлининг 21 километр қисми, «А-378» автомобиль йўлининг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳудудларидан ўтувчи 4 километр ҳамда Қамчиқ довоининг 6 километр қисмини мисол тариқиде келтириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 14 февралдаги «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарориде ҳам йўл инфратузилмасини яратишга алоҳида масала сифатида ёндашилган. Маъмур қарорда белгиланганидек, жорий йилда 500 километрдан ортиқ автомобиль йўллари қурилади, реконструкция қилинади ва мукамал таъмирланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрда қабул қилинган «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, компания тасарруфидеги корхоналар томонидан йил давомида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш, транспорт воситалари-

нинг узлуксиз ҳамда хавфсиз ҳаракатини таъминлашга доир изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда эса умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллариде транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, мавсумий баҳорги ва кузги техник кўриқларда аниқланган нуқсонларни бартараф қилиш мақсадида 350 миллион сўм миқдориде маблағ ажратилган. Утган 5 ой давомида маъмур ишларни амалга оширишда 160,0 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилиб, 950 километр атрофидеги йўллар таъмирланди. Мисол учун Фарғона вилоятининг Фарғона, Данғара, Ўзбекистон туманларидеги, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Галлаорол туманларидан ўтувчи М-39 автомобиль йўли, Бухоро шахридаги умумий фойдаланувда бўлган автомобиль йўллари ва бошқа ҳудудлардаги йўллар жорий таъмирланди.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакики, компания томонидан 2015 йилгача Ўзбекистон миллий автомагистрал таркибига қирадиган яна 1487 километр йўлни қуриш, реконструкция қилиш ва тўрт полосога ўтказиш, йўлларни тегишли халатда сақлаш учун қўшимча техника ҳамда ускуналар сотиб олиш, йўл-қурилиш ва таъмирлаш корхоналарини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Тадбирда компаниянинг масъул ходимлари мавзу юзасидан журналистларни қизиқтириган барча саволларга батафсил жавоб беришди.

Тоштемур МУРОД

Хориж

ТАХМИН ҚИЛИНГАНДАН КАМ ЧИҚДИ

ГФР ва ГДР бирлашгандан бери, яъни 1990 йилдан кейин билиш бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари эълон қилинди.



Германия федерал статистика муассасасидан олинган мағнаба асосланиб «Deutsche Welle» нашри хабар беришича, Германия аҳолиси 80,2 миллион кишини ташкил этди. Бу аввал тахмин қилингандан 1,5 миллион камдир.

Мамлакатда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ҳам тахмин қилингандан анча кам — 6,2 миллион киши экан. Яъни умумий аҳолининг 7,7 фоизи ҳолос. Аммо германияликларнинг ҳар беш нафардан бирининг (15 миллион) ёки аҳолининг 19 фоизи) ижтимоий келиб чиқиб илдизлари чет элларга бориб тақаларкан. Бу фуқаронинг ўзи ёки ота-бобоси ёйинки қайсидир авлод-аждоди қачонлардир хориждан Германияга яшаш учун кўчиб келганини аналтади.

Келиб чиқиб хорижлик бўлган аҳолининг энг кўпи Германиянинг 16 та федерал ерининг қай бирида кўпроқ деган саволга Гамбург, деб жавоб бериш мумкин. Бу ерда аҳолининг 27,5 фоизи чет элликлардир. Энг кам чет эллик (5 фоиз) Шарқий Германия ҳудудларида яшаркан.

МАНСАБДОРЛАР УЧУН

ЧЕКЛОВ ҚЎЙИЛДИ

Озорбайжон Фанлар академиясининг муҳбир-аъзоси, География институти директори Рамиз Мамедов «ANS» телеканалига берган интервьюсида айтишича, давлат идораларида фаолият кўрсатувчи корчолонларнинг эндиликда диссертация ёқлаб, олимлик даражасини олиши таққикланди.

Бунга сабаб кейинги пайтларда мансабдор шахслар орасида олимлик даражасини олувчилар сони кескин кўпайиб кетган. Айниқса, уларнинг диссертация комиссиясига таъсир ўтказиши Фанлар академиясини хавотирга солиб қўйди.



Корчолонларнинг диссертация ёқлашларига фақат икки шароитда рухсат берилади: диссертациянинг асосий қисми унинг аспирантурада ўқийдиган пайтида ёзилган бўлса, ёки бири йил

муддатга иходий таътилга чиқиб, кейин ёқлаш мумкин. Маълумотларга қараганда, кейинги 2012 йилда республикада 9 минг киши олимлик даражасида эга бўлган.

КЎЧМАС МУЛКЛАР

СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИ

Жорий йилнинг июлидан эътиборан Миср маъмурияти мамлакатдаги 15 миллионга яқин кўчмас мулкка солиқ жорий этилишини маълум қилди.

Айнан кўчмас мулк солиғидан йигиладиган маблағ 388,5 миллион долларни ташкил этиши мумкин. Бу эса бюджет тақчиллигини бироз бўлса-да юмшатиши имконини

ни беради, дея хабар қиладиган «Ahram online» портали.

Аслида кўчмас мулкларга солиқ тартиби 2008 йилда ўрнатилган, бирок амалда жорий этиш масаласи бир неча бор кейинга қолдирилган.

Бу борадаги қонунга жорий йил бошларида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра, ягона яшаш жойига эга кўчмас мулк эгалари солиқдан озод қилинади.



ЭНГ АСОСИЙ ҒАЛАБА

— УНИВЕРСИАДАДА ҚАТНАШИШНИНГ ЎЗИ, ҚАДИМ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БУХОРО ЗАМИНИДАГИ ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРНИНГ ШИРИН ХОТИРАЛАРИ, ОРТТИРИЛГАН ЯНГИ ДЎСТЛАР, ЯНГИ ОРЗУЛАР...

«Универсиада — 2013» мусобақаларининг финал босқичида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар терма жамоалари спортнинг 12 тури бўйича кескин ва муросасиз кураш олиб борди. Олимпия тамойилларига қатъий риоя қилинган, ҳолислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби умуминсоний қадриятлар бош мезон бўлган баҳсларда спортчиларнинг кўрсаткичи ва натижалари тобора ўсиб бораётгани кайд этилди. Кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу келажақда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз байроғини баланд қўтаришга қодир иқтидорли спортчилар вояга етаётганининг яна бир далилидир.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

«Бухоро» спорт мажмуаси ҳар қачонгидан-да кўркам, байрамона безатилган. Ўз бағрига минглаб спортсевар йигит-қизларни жалланган стадион узра дилрабо куй ва мусиқа садолари янграйди. Энг ҳаяжонли дақиқалар — голибларни тақдирлаш маросими бошланади. Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юскак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари иштирокчиларига табриғининг асл нуҳаси ва Президент саво...

фаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Самарқанд ҳамда Андижон вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти савоғи — «Дамас» автомобили топширилди. Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишни намойиш этган, тенгқурлар орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-талабалар махсус совринларга сазовор бўлди. — Мамлакатимизда мунтазам ўтказиш келинаётган уч босқичли спорт тизимининг барчасида қатнашган ёшлардан бири эканимдан бахтиёрман, — дейди Термиз давлат универси...

тети талабаси Диёра Рустамова. — 2009 йилда Гулистонда «Умид ниҳоллари», 2011 йилда Термизда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олгандим. Бухоро универсиадасида уч ҳатлаб сакраш бўйича 12.00 метр натижа кўрсатиб, кумуш медал билан тақдирландим. 100 метрга тўсиқлар оша югуришда ҳам маррага иккинчи бўлиб етиб келдим. Бундан ташқари, 100 ва 400 метрга эстафета югуриш баҳсларида жамоадoshларим Анжелика Кудякова, Нигора Ҳамидова, Нигора Муҳаммадиевалар билан биргаликда яна иккита бронза медалига сазовор бўлдим. Бироқ, қайд этган натижаларимдан кўнглим тўлди, деб айта олмайм...

ман. Бизнинг Сурхондарё вилояти-мизда ҳам халқаро талабаларга жавоб берадиган замонавий спорт иншоотлари кўп. Президентимиз биз учун яратган катта шарт-шароит ва имкониятларга муносиб жавоб қайтариш учун халқаро мусобақаларда албатта шохсупага кўтариламан. Маълумки, бу галги мусобақалар Бутунжаҳон универсиадаси ўтказилган йилга тўғри келди. Шу йилнинг 6 — 17 июль кунлари Қозон (Россия)да XXVII Бутунжаҳон ёзги универсиадаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг юздан зиёд давлати вакиллари қаторида саксон нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн тўрт тури бўйича голиблик учун кураш олиб бориши кутилмоқда.

— Универсиадада мамлакатимиз дзюдочилари тўлиқ таркиб билан қатнашди, — дейди Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси Армен Багдасаров. — Улар учун бу мусобақа XXVII Бутунжаҳон ёзги универсиадада олдиндан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтаганига шубҳа йўқ.

— Улкан спорт байрами тафсилотлари universiada.uz веб-сайтида ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, италян, испан, корейс, япон, хитой тилида ёритилди, — дейди «Универсиада-2013» мусобақалари финал босқичи Матбуот маркази ходими Акбаржон Рустамов. — Уч кун давомида дунёнинг қирқдан ортиқ давлатидан минглаб спорт мухлислари Универсиада беллашувларини ўшбу расмий сайт орқали кузатиб борди. ...Стадион узра майин мусиқа садолари янграйди. «Универсиада — 2013» республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни бухоролик спортчилар олий ўқув юрлари талабаларининг наватдаги Универсиадаси финал мусобақаларига мезбонлик қиладиган Фарғона вилояти вакилларига топширади.

Мусобақа машъаласи аста-секин сўнади. Бироқ у қатнашчилар қалбига жў бўлиб, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга илҳомлантиради. Президентимиз таъкидлаганидек, «Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмайми!» деган олимларимизнинг барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимиз меҳр қўйиб, гурур ва ифтихор билан яшашига қорлайди».

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

БУГУН ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНСА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мuddатида олдин жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритади

Ҳозирча навбатдаги чемпионатнинг икки иштирокчиси номи маълум. Булар мусобақа мезбони — Бразилия ҳамда Осиё қитъаси вакили — Япония футболчиларидир.

Сеулда ўтадиган учрашув олдиндан Жанубий Корея ва Ўзбекистон миллий терма жамоаларининг имкониятлари ҳозирча тенг баҳоланмоқда. Ўз гуруҳида бир хил — 11 тадан очко жамғарган ҳар икки мамлакат вакилларининг ўшбу ўйинга ҳозирлиги хусусида турфа фикрлар билдириляпти. Жумладан, Жанубий Кореянинг The Seoul Times, Han-Kyoreh Shinbum, Yonhap News ва Asian Correspondent нашрлари Ўзбекистон терма жамоасига қарши ўйинга тўхталар экан, куйидаги фикрларни билдиришган:

«...Бош мураббий Миржалол Қосимов ўз даврида Жепаров, Кападзе, Аҳмедов, Нестеров, Гейнрих каби футболчилар билан бирга тўп тепган. Шу боис ўз жамоасининг имкониятларини яхши билади ва улғара ишонади. Шундай экан, Ўзбекистон ўз ўйинларини Жепаров-Аҳмедов-Кападзе «учбурчаги» асосида ташкил қилишни айтиб қўймоқчимиз. Бизнинг футболчилар бўлса, майдон марказида мазкур «трио»ни ёпишлари керак бўлади...»

Ўзбекистон футболчилари муҳим учрашув олдиндан етарлича ҳозирлик кўрганга ишонамиз. Ҳамюртларимиз айни чоғда энг сара таркиб билан Сеулга йўл олган.

Бу борада иқлим ва табиати, шунингдек, ўйин услуби бир-бирига ўхшаш Хитой футболчилари билан ўтказилган ўртоқлик учрашуви ҳам ҳамюртларимиз учун факат фойдадан холи бўлмастгига умид қиламан.

Сеулдаги ўйинда Ўзбекистон терма жамоаси оқ, мезбонлар эса қизил рангли либосда ҳаракат қилишади. Учрашув бугун Тошкент вақти билан соат 16:00 да бошланади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Бадий гимнастика



ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР БЎЙ КЎРСАТДИ

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Нарру Сагаван» халқаро турнири якунланди

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Осиё гимнастика уюмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Хиндистон, Мўғулистон, Қозғистон, Қирғизистон, Исроил, Россия каби давлатлардан икки юз нафардан зиёд гимнастикачи голиблик учун баҳслашди.

гуддурос қарсақлари остида майдонга яқкалик ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келди.

Осиё чемпионатининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал мусобақасида спортчимиз Жамила Раҳमतова бир кумуш ва уч бронза, Майя Филиппова бронза медални қўлга киритди. Гуруҳ машқларининг «уч халқа ва икки тасма» деб ном олган турини бажаришда хитойлик гимнастикачилар биринчи бўлди.

Аънавий тарзда ўтказиш келинаётган «Нарру Сагаван» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди. Тўрт кун давом этган мусобақада яқкаликлар ва гуруҳлар ўртасида кўпкун раш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича финал беллашувлари ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, мусиқа ва ритми яхши ҳис этилиши, чакқон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

...Ҳаяжонли дамлар — голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди. Томошабинларнинг

Байрам АЙМУРОВ,
ЎЗА мухбири.

«Ёзги таътил — 2013»

ОРОМҒОҲЛАРИМИЗДА

270 минг 350 нафардан ортиқ бола дам олади

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Болажонларни сифатли соғломлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Федерация ва Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши ҳамда бир қатор кўмита, агентлик, компанияларнинг масъул ходимлари иштирок этди.



Тадбирда Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева болажоннинг жорий йилда ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Маълумотларга кўра, жорий йилда республикамиз бўйича 1000 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилган. Шундан 210 та стационар, 790 та кўндүзги, яъни мактаблар, академик лицей ва касб-хунара коллежлари қошида ҳамда 50 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари ҳисобланади. Уларда 270 минг 350 нафардан ортиқ бола дам олади. Ўшбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 10 минг нафарга ортиқдир. Шунингдек, барча оромгоҳларда болалар хавфсизлиги ва уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шу билан бирга, малакали педагог ҳамда тиббиёт ходимларини жалб этиш ишлари ҳам масъули билан амалга оширилмоқда.

2011 йилдан амалга киритилган ва тажрибада ўзини

ҳам синдирилади. Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Федерация ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда маҳаллаларда истикомат қилаётган ижтимоий ҳимоятаб оила фарзандларининг 600 нафари, Оролбўйи болаларининг 4,5 минг нафари ҳамда Меҳрибонлик уйларида 2 минг нафар тарбияланувчиси ҳам имтиёзли равишда, яъни бепул соғломлаштирилади.

Барча оромгоҳлар турли тоифадаги 15 минг 729 нафар педагог кадр, 1 минг 135 нафар тиббиёт ходими, 1 минг 87 нафар спорт йўриқчиси ва бошқа соҳа ходимлари билан тўлиқ таъминланди. Уларнинг барчаси танлов асосида сараланиб олинди.

Икки йилдан буён болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мулжалланган Манзилли дастур тасдиқланади. Унга мувофиқ, республикада мавжуд оромгоҳлар моддий-техник базаси мустақамлашиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Ўтган йилги дастурга кўра, 30 дан ортиқ оромгоҳ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди ва 3 та янги оромгоҳ қурилиши таъминланди. Жорий йилда эса 2 та янги оромгоҳ барпо этиш, 15 та оромгоҳни реконструкция қилиш ва 19 та оромгоҳни капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Оромгоҳларда маданий тадбирлар сифатини ошириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир ҳудуддаги оромгоҳларга махсус жадвал асосида таъриқли санъаткорлар, ёш ижрочилар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ташриф буюриб, концерт дастурларини намойиш этишади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.45 Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433

1 2 3 4 5